

Мавлид ҳақида ўйлар (ўн тўртинчи мақола)



14:00 / 22.10.2021 1594

Айрим уламолар маҳалли қиёмда туришни ножоиз деб биладилар ва бунга қатор далиллар келтирадилар.

1. Бу иш бидъатдир. На саҳобалар, на тобеинлар, на улардан кейинги мужтаҳидлар бу ишни қилмаган. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллуд топганлари ҳақида гап кетганда таъзим ўлароқ ўриндан турилади» деган гап ҳеч қаерда йўқ. Ҳатто олдинги мавлидхонлар ҳам бундай қилмаган.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик даврларида бировга ҳурмат юзасидан ўриндан туришдан қайтарганлар. Ҳатто у зот масжидга кириб келганларида саҳобалар қўзғалишганда: «Роббиминг уйида мени бундай улуғламанглар», деганлар. Имом Термизий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда: «Саҳобалар у зотни кўрганларида

Ўринларидан туришмасди, чунки у зот буни ёқтирмасликларини билишарди», дейилади. Маҳалли қиёмда турадиганлар у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари қайтарган иш билан у зотга ҳурмат кўрсатмоқчи бўлишади. Бу эса умуман жоиз эмас.

3. Маҳалли қиёмда турадиганлар шу пайтда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг руҳлари ҳозир бўлади деб эътиқод қилишади ва шунинг учун туришади. Бу эса энг қабиҳ бидъатдир, залолат ва хурофотдир. Бу ғайбий иш. Ғайб ҳақида эса оят ҳадисдан бошқа нарса манба бўлмайди. На бирорта оятда, на бирорта ҳадисда бунга ишора қиладиган гап келмаган ва келиши мумкин ҳам эмас. Ана шундай нотўғри эътиқод асосига қурилган амал қандай қилиб яхши иш бўлиши мумкин?!

4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни эҳтиром қилиш йилда бир икки марта қилинадиган йиғинда тик туриб салавот айтиш билан эмас, балки у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларига амал қилиш, суннатларини жорий қилиш билан бўлади.

Маҳалли қиёмни қоралайдиган кишиларнинг бундан бошқа гаплари ҳам бор, аммо асосий далиллари шулар. Зеро, бир амални ножоиз дейишга, қоралашга уни «диндаги бидъат» деб таъриф этишнинг ўзи етарли.

Ўз навбатида маҳалли қиёмда туришнинг тарафдорлари ҳам мазкур гапларга жавоб бериш билан бирга, бу ишнинг жоизлигига, яхши амал эканига ўзларининг қатор далилларни келтиришади:

1. Маҳалли қиёмда туриш кейинги асрларда пайдо бўлганини биз ҳам биламиз. Аммо кейин чиққан ҳар бир нарса ҳам бидъат дейилавермайди. Қолаверса, биз буни динга қўшимча амал сифатида қилмаймиз, балки бу бир одат, холос. Унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни улуғлаш, у зотга эҳтиром изҳор қилиш борлиги эътиборидан яхши, савобли амал деб айтамыз.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга кирганларида ўрндан турган саҳобаи киромларга қарата айтган ҳадисларининг иборасига эътибор беринг: «Роббиминг уйида мени улуғламанглар». Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳурматан туриш саҳобаларда бор бўлганки, улар ўринларидан туришмоқда. Аммо Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бу иш масжидда дуруст эмаслигини уқтирмоқдалар. Саҳобаи киромларнинг у зот учун ўрндан туришларини суймасликлари эса у зотнинг камтарликлари, тавозуъларидан бўлган. Анас

розияллоҳу анҳунинг «туришмас эди» деган гапларини «масжидда туришмас эди» деб ҳам, «баъзан туришмас эди» деб ҳам тушуниш мумкин. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисга кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига Фотима розияллоҳу анҳо кирса, ўринларидан туриб кутиб олар эканлар. Бу ҳақда бошқа саҳиҳ ҳадислар ҳам бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ансорларга Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳунинг истиқболи учун туришни ўзлари буюриб, «Саййидларингиз учун туриналар», деганлар. Бу борадаги далилларни батафсил ўрганиб чиққан жумҳур уламолар бировга ҳурматан ўриндан туриш, агар зарур шартлар топилса, мумкин эканини таъкидлаганлар.

3. Маҳалли қиём пайтида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг руҳан ёки жисман ҳозир бўлишлари ҳақидаги гап мўътабар олимларимизнинг гапи эмас. Бунақа гапларни одатда илмсиз одамлар тарқатишади. Бизнинг маҳалли қиёмда туришимиз у зот алайҳиссаломга ғойибона эҳтиром изҳор қилиш маъносидадир. Сизлар айтган гапнинг бизга алоқаси йўқ.

4. Биз маҳалли қиёмга туриб қўйсанг бўлди, иш битди, шариатга амал қилмасанг ҳам бўлаверади, деяётганимиз йўқ. Биз мана шундай таъзим билан кишиларнинг қалбида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан эҳтиром руҳини тиклашни ва бу билан у зотнинг суннатларига эътиборни кучайтиришни кўзлаймиз. Сизлар айтгандек, шариатга амал қилиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тўлиқ эргашиш диннинг аслидир, мақсад ўзи шу. Аммо биз айтаётганга ўхшаш эҳтиром кўрсатиш муҳаббатли қалбларга бир юпанч ўлароқ рухсат берилган ишлардир. Мисол учун, Расули Акрам алайҳиссалом кишиларга шариат аҳкомларини етказиб, ҳақиқий эҳтиром шуларга амал қилиш эканини уқтирганлар, ҳеч қачон ўзларига нисбатан таъзим кўрсатишларини талаб қилмаганлар. Аммо айрим саҳобаларнинг муҳаббатлари қайнаб, шавқу завқлари жўшиб кўрсатган ғайриоддий эҳтиромларини тўхтатмаганлар. Саҳобаи киромлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таҳорат сувларини, тупукларини таллашиб, уришиб кетай дейишар, соч олдирилганларида муборак соч толаларини бўлишиб олар, юз қўлларини, оёқларини ўпиб олишар эди. У зот дин аслида илм ва амалдан иборат эканини уқтирсалар да, уларни мазкур тасарруфлардан қайтармаганлар, чунки бу каби ишлар муҳаббат ўтининг алангаси мавж урганидан бўлган эди, набавий ҳикмат бу ўтни ўчириб қўймасликни тақозо қилган эди. Буюк саҳобаларнинг бу ҳолатини Расулига ана шундай муҳаббат қила олган кишиларгина тушуна оладилар, бошқалар уларни ҳеч қачон англай олмайди.

(Давоми бор)

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид